



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 12 январь, № 9 (4419)

Шанба

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Куролли Кучларимиз фахрийлари! Сизларни, Ватан ҳимояси каби шарафли ва олижаноб ишга ўзини бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуг сана — Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий табриклаш менга катта мамнуният этказди.

Бугун Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоялашга қодир бўлган, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан яхши таъминланган, профессионал асосда ишчан ва тезкор Куролли Кучлар барпо этилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Юртимизда Ўзбекистон Куролли Кучларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган Дастурга мувофиқ амалга оширилган, қўлама ва моҳиятига қўра улкан ишларимиз барча замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан муштарак янги тизимга ўтишга имкон берди. Янги ташкилий-штат тузилмаси қабул қилинди, қисқа вақт ичида ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари ва махсус операцияларга ихтисослаштирилган қисмлар ташкил этилди, мамлакат мудофаа тизимини бошқариш механизми, Куролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарлигидаги жанговар тайёргарлик ва тезкор-стратегик режалаштириш тизими қайта қўриб чиқилди. Қўшилмалар ва қисмларни тахид эҳтимоли кўпроқ бўлган оператив йўналишларни эътибор олган ҳолда, қайта жойлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилди.

Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, сафарбарлик-қақрув резерв хизмати жорий этилди ва муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг социал ва маънавий турароқ шaroитларини яхшилаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биз миллий армиямизни босқинча-босқинча тизимли равишда шакллантиришда, аввало, Ўзбекистоннинг минтақамизда ва ҳозирги дунёда тутган геостратегик ва геосийсий ўрнини, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган жиддий ички ва ташқи таҳдид ва хатарларни, айниқса, кучайиб ва фаоллашиб бораётган халқаро террорчилик, экстремизм, тобора қўлама кенгайиб бораётган наркоагрессия, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши каби бало-қазоларни ҳисобга олган ҳолда иш тутдик. Шу ўринда қарийб 30 йилдан бундан биродарқушлик уруши давом этаётган ва тинч аҳоли қурбон бўлаётган Афғонистондаги ҳарбий-сийсий вазиятнинг мураккаб бўлиб тургани ҳам минтақамиздаги хавфсизликка катта таҳдид туғдираётганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда тўла ишонч билан айтиши мумкинки, армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илгор тажрибаларини ўзида муҷассам этган бўлиб, айна пайтда миллий жангасам анъаналаримизни юксак садқат билан давом эттирмакда, шу билан бирга, минтақамизда рўй бериш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳарбий ҳаракатлар ва жанговар амалиётлар ҳам ҳар томонлама эътиборга олинмоқда.

Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, пухта ўйланган чора-тадбирлар ва ҳисоб-килоблар асосида жанговар ва хизмат кўрсатувчи қисмларнинг муштарак янги тузилмаси ишлаб чиқилди ва жорий этилди, уларнинг таркиби, мақсад-вазифаларни тубдан ўзгарди. Пировард натижада қўшинларимизнинг ўзини ўзи бошқариш имкониятлари, армиямизнинг ҳарбий салоҳияти ва жанговар қудрати янада ортди.

Армиямизни зарур қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш ҳамда қайта қуроллантириш, жумладан, жанговар вертолётлар паркинни, ҳарбий ҳаво мудофааси кучларини мустаҳкамлаш, қўшинларимизни қурол-аслаҳаларнинг бошқа замонавий турлари билан таъминлаш бўйича тизимли ва мунтазам асосда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Куролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохларнинг энг муҳим амалии натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганда яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашуви ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Эндиликда Куролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айна чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди, десак, асло муболага бўлмайд.

Биз офицерлар ва аскарлар таркиби ўртасида нафақат болғовчи бўлин, балки том маънода армиямизнинг таянч устуни, офицерларнинг ишончли ёрдамчилари бўлиши сержантларимизнинг профессионал тайёргарлик даражасини янада оширишга катта эътибор қаратмоқдамиз.

Бугунги кунда замонавий жиҳозланган махсус сержантлар мактабларида таълим олган сержантлар бутун аскарлар таркиби учун энг яқин кичик командирлар бўлиш билан бирга, улар, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир аскарга бамисоли акадек гамхўрлик қўриштиб, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий ва маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳарбий ўқув юрларимизда таълим тизимини тубдан ўзгармоқда, уларда бўлувчи офицерларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳозирги замон талабларига тўла мос келадиган, принципал

жиҳатдан муштарак янги бўлган ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилган. Бугун катта мамнуният билан шуни қайд этиш лозимки, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва тарбиялашнинг ўзига хос, нодир тизими яратилгани туфайли Куролли Кучларимизнинг деярли бутун қўмондонлик ва сержантлар таркиби тўлиқ янгиланди.

Армия сафларига, авваломбор, муштарак ва суверен Ўзбекистонимизга хизмат қилиш, унинг манфаатлари ва сарҳадларини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя этишга азму қарор қилган мард ва фидойи, интеллектуал жиҳатдан тарбия толган етук кадрлар келди.

Биз қўлга киритган бундай ютуқлар билан муқаддас юртимизда яшаётган, миллати, дини ва этникодидан қатъи назар, ҳар бир инсон ҳақли равишда фахрланса арзийди, албатта.

Қадрли юртдошлар! Бизнинг ҳозирги ва эртанги энг муҳим вазифамиз — тобора ўсиб бораётган бугунги кун талаблари асосида ҳарбий хизматчиларнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги самарадорлигини кучайтириш, армиямизни замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминлаш, Куролли Кучларни ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлашда замон билан ҳамқадам бўлиб, изчил иш олиб боришимиз шарт.

Шу борада армиямизнинг муқаммал ва пухта ташкил этилган механизми каби тўлақонли фаолият кўрсатиши, унинг таркибидоги ҳар бир ҳарбий қисм ўз вазифасига эга бўлган ҳолда, бошқа турдаги қўшинларнинг бўлиналари билан биргаликда ўзаро ўзвий боғланган ягона комплекс ташкил этиб, жанговар ҳаракатларни бир ёқадан бош чиқариб олиб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда барча турдаги қўшинларни тайёрлаш ва жанговар фаолиятини амалга ошириш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда уларнинг ўзаро яқин ҳамкорлигига эришиш Бирлашган штаб, ҳарбий округлар қўмондонлиги, тегишли идоралар, ҳар қайси бўғиндаги командирларнинг асосий вазифаси бўлиши зарур.

Айниқса, армиямизни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш олдимида турган энг масъулиятли вазифа ҳисобланади. Сир эмаски, бугунги кунда замонавий қурол-аслаҳа жуда қиммат туради. Айнан шу сабабли Куролли Кучларимизнинг биринчи галдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, пухта ўйланган дастур асосида, аввало, замонавий талабларга жавоб берадиган ва шу билан бирга, қўшинларимизнинг ҳарбий ва жанговар қудратини янада кучайтирадиган қурол-аслаҳалар билан таъминлашимиз муҳим ўрин туради.

Шахсий таркибини ўта хавфли бўлган турли қирғин қуролларининг тасқирдан алоҳида ва биргаликда ҳимоя қилишнинг ишончли воситаларини ҳамда техникаси билан таъминлашга жиддий эътибор қаратишимиз даркор.

Ҳарбий тайёргарлик самарадорлигини ошириш энг муҳим вазифамиз бўлиб қолмоқда. Ҳарбий маҳорат сирларини ўрганиш ва чуқур ўзлаштириш ҳар қайси ҳарбий хизматчи — оддий аскардан бошлаб юқори қўмондон учун ҳам — доимий, асосий вазифа ва мақсад бўлиб қолиши шарт.

Бу борада сержантлар мактаблари, ҳарбий билим юрталари, қўшилма ва қисмларни замонавий тренажёрлар, реал жанговар вазиятларга имкон қадар тўла мослаштириш таъминлайдиган полигон ускуналари билан жиҳозлаш алоҳида аҳамият касб этади. Биз тренажёрлар, алоҳид-коммуникация технологиялари, моделлаштириш ва симуляция услубларига асосланган замонавий техник таълим воситаларини ҳозирги вазиятда ўта мураккаб вазифаларни ҳал этиш ва армиямизнинг жанговар қобилиятини оширишга қодир бўлган амалии ва самарали қурол сифатида қабул қилишимиз лозим.

Маълумки, 2008 йил юртимизда Ёшлар йили деб эълон қилинди. Бу ўз навбатида, мамлакатимизда Куролли Кучлари раҳбарияти ва қўмондонлик таркиби олдига бугунги кунда армиямизнинг асосий ўзагини ташкил этадиган энг офицерлар, сержант ва аскарларнинг манфаатларини таъминлаш, уларнинг эзгу орзу-умид ва интилишларини рўёбга чиқариш учун янги, янада масъулиятли вазифаларни қўяди.

Шу муносабат билан миллий армиямизни модернизация қилиш ҳараёлларини янада чуқурлаштириш, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, давлатимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, бу вазифаларни бажаришнинг муҳим ва ўзвий қисми бўлган ўз ҳаётини Ватанини ҳимоя қилишдек буюк ишга бағишлаган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий яхшиолаш, шунингдек, уй-жой ва социал-маънавий шароитларини янада яхшилаш, иш ҳақи миқдорини ошириш, бир сўз билан айтганда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари бундан бунён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бу мақсадларни амалга оширишни мен ўзим учун нафақат муҳим вазифа, балки юксак бурчим деб биламан.

Сиз азизларни — юртимиз мард ўғлонларини, сизларнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингизни Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Куролли Кучларининг ўн олти йиллиги байрами билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли хизматингизда муваффақиятлар, бахт ва омад, она Ватанини ҳимоя қилишдек шарафли ишингизда ғайрат ва шижоат тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондон.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



ОЗОД ВА ОБОД ВАТАННИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

Ватанимизнинг хавфсизлиги Куролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда таъминланмоқда, армияда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, айна пайтда том маънодаги шон-шараф ишига айланиб бормоқда.

Армия хизмати ўтаётган йигитларимиз ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиникиб, қатъий ҳаётий позиция шаклланимоқда. Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол толимоқда.

Жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорлик эл-юртимиз раванки йўлида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш ҳамда бунёдкорона меҳнат учун улкан имкониятлар яратилмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат самараларидандир. Бу эса кучли давлат ва демократик жамият барпо этишда муҳим омили бўлмоқда.

Шу кунларда мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Куролли Кучларимизнинг 16 йиллиги кенг нишонланмоқда.

“Туркистон” саройида 11 январь кунини ушбу байрамга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ўқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонни Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эштитди.

Истиқлол йилларида замон талабларига мос миллий армиямиз шакллантирилди. Қисқа муддатда ҳарбий округлар, чегаравий ҳудудлар таш-

кил этилди, Куролли Кучларни бошқариш тизими, қўшилма ва қисмларнинг таркиби ва жойлашуви қайта қўриб чиқилди, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги ҳарбий-ўқув юрталари — сержант ва офицер кадрларни тайёрлашнинг ахборот ва компьютер технологиялари, замонавий илм-фан ва техника ютуқларига асосланган самарали тизими ташкил этилди.

Президентимизнинг ҳарбий хизматини ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига янги имтиёзлар беришга қаратилган фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ҳарбий хизматчилар ва оилаларининг ижтимоий-маънавий шароитлари тобора яхшиланмоқда.

Кейинги беш йилнинг ўзида ҳарбий унвонлар бўйича маошлар, ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин тўланадиган нафақалар миқдори бир неча баробар оширилди.

Мамлакатимиз Куролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Куролли Кучларимиз бугун энг яхши жиҳозланган ва жанговар тайёргарлиги юқори армиялардан ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонида қўра, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизлигини таъ-

минлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сийсий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ордени, медаль ва фахрий унвонлар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Аънага қўра, 2007 йилда ҳам Ўзбекистон Куролли Кучларида уч босқичли — ҳарбий қисмлар, ҳарбий округлар, Куролли Кучлар миқёсида танлов ўтказилди. Йиғилишда энг илгор сержант, гуруҳ, завод ва батальон командири деб топилган танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совға-роҳат топширилди. Энг илгор ҳарбий қисм, сержантлар тайёрлаш мактаби ва мудофаа ишлари бошқармаси диплом ҳамда кўчма кубок билан мукофотланди.

Тадбирда сўзга чиққан Чегара қўшинлари сержанти Хамидулла Қорабоев, “Жасорат” медали соҳиби, Куролли Кучлар офицери Миршод Эргашев, аскар онаси Гўлбахор Иброҳимова ва кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов Президентимиз Ислом Каримовга ҳарбий хизматчиларга қўрсатилган доимий қўламли ва эътибори учун миннатдорлик билдиришди.

Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Куролли Кучларининг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш катта байрам концерти билан якунланди.

Ғулом МИРЗО,
Ғ.А. муҳбири,
Сарвар ҲАМИДОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЧЕГАРА КАТЕРЛАРИ АЛОҲИДА БАЗАСИНИ ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара катерлари алоҳида базаси Ватаннинг республикамиз миллий хавфсизлигини, шахсий ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашга қўшаётган катта ҳиссасини, жанговар-хизмат фаолиятида ижобий натижаларга эришганлигини, ҳарбий хизматчиларнинг маҳорати ва юқори профессионал даражасини, уларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришдаги фидокорлиги ва мардлигини инобатга олиб, шунингдек, Ватан ҳимоячилари куни нишонлангани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара катерлари алоҳида базаси Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2008 йил 10 январь.
И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни миллий ғоя ва она Ватанга садқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сийсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйиладиган фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»
Газиев Шаюнос Аюбжанович — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — ҳарбий ҳайъат раиси
Джалалов Раҳмон Раҳимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»
Степанов Михаил Васильевич — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академиясининг катта ўқитувчиси

Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизлигини таъминлаш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қўйиладиган мукофотлансин:

«Меҳнат шўхрати» ордени билан
Мамаджонов Данишқан Ахмадхан ўғли — Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғи
Мирзаев Мирағлам Ахатович — Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилати билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги жуда яхши ҳамкорлик минтақадого барқарорлик ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида бундан бунён ҳам ривожланиб бораверишига ишонч билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Пан Ги МУН,
Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош қотиби.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!
Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий қутловларимни изҳор этаман.

Сизнинг галабангиз — муштарак Ўзбекистонни барпо этиш, халқ фаровонлигини оширишга, ижтимоий ва сийсий барқарорликни, шунингдек, мамлакатнинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлашга йўналтирилган муваффақиятли ислохотларни барча соҳаларда амалга ошириш бора-сидоги давлат сиёсатингизни Ўзбекистон халқи тўла қўллаб-қувватлаётганининг яна бир намоёнидир.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда келгусида ҳам Шанхай Ҳамкорлик Ташкилатини, бошқа халқаро минтақавий тузилмаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга

Ўзининг муҳим ҳиссасини қўшиб бораверади, бу эса минтақадого тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлигини таъминлашга қўмақлашди.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, барча ишларингизда улкан муваффақиятлар ва зафарлар ҳамда оилангизга бахт-саодат, тинчлик-омонлик, ўзбек халқига эса янада раванк ва тараққиёт тилаб билдирган ғоят самимий истақларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга бўлган ғоят самимий ва юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Болот НУРГАЛИЕВ,
Шанхай Ҳамкорлик Ташкилати Бош қотиби.
(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА КИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Цой Валерий Радионович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Қўриқлаш" бирлашмасининг бўлим бошлиғи

Юнусов Ботир Турсунбаевич — Тошкент вилояти боғхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлимининг катта тезкор вакили

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Гулямов Хасан Аманович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мирзаарихов Зафаржон Салимович — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бригадаси командири

Ташматов Баходир Хамидович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳарбий округи қўшинлари кўмондони

Титов Леонид Анисимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Уринов Шавкатжон Рахмонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Альметов Халмирза Тойирович — Тошкент вилояти Фавкулодда вазиятлар бошқармасининг Чирчиқ шаҳар фавкулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

Ерманов Илос Сарибоевич — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судяси

Исхаков Бахтиёр Ибрагимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қудряшев Егор Алексеевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Куприянов Михаил Николаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳарбий сафарбарлик ва фуқаролар муҳофазаси бўлими бошлиғи

«Жасорат» медаллари билан

Абдуганиев Курбонали Холиқович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ходими

Абдурашулов Захиджан Таштемирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Аликулов Бекзод Болиқович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

Ботиров Ориф Жураевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳ командирининг ўринбосари

Бусыгин Олег Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Гайбиллаев Кобил Асрорович — Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ёнган хавфсизлиги бўлими ёнғин ўчириш экипажнинг бўлими командири

Давиров Тургунбой Холбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Дастонов Абат Реимович — Қорақалпоғистон Республикаси боғхона бошқармасининг контрабандага қарши курашиш бўлими бошлиғи

Джурбаев Ғолиб Ражабович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Дийканов Ботирбек Мирзабекович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

Закиров Баходир Махаммадович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Иргашев Миршод Абдиқашқарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

Исамухамедов Аббосхон Тулкунович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Исмаилов Курбан Сафарович — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Исроилов Анвар Якубович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ходими

Каримов Хидир Саматович — Қашқадарё вилояти прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлимининг катта терговчиси

Любвицкий Андрей Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

Мамедов Рустам Атаевич — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штаби Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Мирзакаримов Алишер Мирзаахмедович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

Мирзаманов Наримон Султанович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш ва зарарсизлантириш бўйича махсус отряди бош мутахассиси

Назиров Хуршид Эхсонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари чегара пости фельдшерси

Насимов Санъат Темирович — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари эскадрильясининг катта уювчиси

Ортиков Шерзод Эркинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг секция командири

Пардаев Равшан Файзуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

Таджибаев Тахир Акрамович — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларининг эскадрилья командири

Тихонов Евгений Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Турақовдиев Улугбек Мансурович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг гранатомётчиси

Тургунов Нодиржон Джурабаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Турдиев Шавкат Хушвақтович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассис-ҳайдовчиси

Турсунбоев Аскаржон Нормуродович — Ҳижзах вилояти ички ишлар бошқармаси ёнган хавфсизлиги бошқармасининг ҳайдовчиси

Тухтабаев Шухрат Аскарлович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Тўрақулов Нодирбек Дильмуратович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Холтурраев Абдифағор Жураевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Худаймуратов Михаил Русланович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

Хужаев Абдужалил Аббосалиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг механик-ҳайдовчиси

Хўжанов Рустам Уралович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шокиров Элмурод Абдурахимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

Шомуродов Санжар Турақулович — Сурхондарё вилояти Узун тумани ички ишлар бўлимининг тезкор вакили

Кобиллов Шерали Бафоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг пост бошлиғи

Курбанов Санжар Салимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Кўчқоров Умрбек Якуббоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари взвод командири

Ғафуров Иштиёр Шавқидинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қорув қўшинлари бош бошқармасининг батальон командири

«Содиқ хизматлари учун» медаллари билан

Абдусаматов Алишер Бахадирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командири

Асраткулов Дилшод Кодирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Базарбаев Заиржон Гулимутович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг база командири

Бобонаров Бойқобул Хидирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг катта техникачи

Джурбаев Хант Париевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактабининг ўқитувчиси

Джурбаев Ёқубжон Умирзакович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг гуруҳ командири

Душабаев Лочинбек Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ходими

Исраилов Бахтиёр Сангиневич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон командири

Каппов Касимжон Амангелдиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг катта инструктори

Каспаров Александр Сергеевич — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари базаси командири

Марданов Одилжон Орипович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

Мирзабеков Хайдаркул — Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

Мирзаев Марўфжон Алимджонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг ўқичиси

Норматов Бабиржон Сабиржанович — Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг кинология хизмати бошлиғи

Носиров Дильшод Мунинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бригада командири

Саркисан Олег Григорьевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг марказ бошлиғи

Суванов Шомурод Ганиевич — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штаби бошқармасининг бўлим бошлиғи

Ташбулов Мансур Бердиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

Тешабаев Баходиржон Бурчалович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Тухтасинов Дилмурод Ахмаджонович — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари гуруҳининг техникачи

Уматов Шамил Дангалевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳ командири

Умурзаков Дилмурод Баймуродович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳ командири

Урунов Халим Саидович — Бухоро вилояти прокуратураси прокуратура органларида терговни назорат қилиш бўлими бошлиғи

Фоменов Александр Николаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальонининг алоқа тармоғи техникачи

Хамраев Шерзод Фозилович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳ командири

Ходиев Носирхужа Нумонхужаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальонининг алоқа тармоғи бошлиғи

Хорунжий Владимир Юрьевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хошимов Хусан Урманович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармасининг катта терговчиси

Худайназаров Баходир Абдуманович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шониев Пулат Дустмухамедович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

Шипутов Аркадий Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бўлим бошлиғи

Шукров Рустамжон Султанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эшанкулов Фуқрат Парманович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«Шухрат» медаллари билан

Ахмедов Алиша Халисович — Чирчиқ олий танкич кўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

Баби Валерий Иосифович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг бўлим бошлиғи

Бекбутаева Тамара Нурматовна — Чирчиқ олий танкич кўмондонлик-муҳандислик билим юртининг катта ўқитувчиси

Гафуров Анвар Джуркулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг секция командири

Гричиный Игорь Иванович — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг катта Ҳарбий прокурори

Имамалев Рустам Кадырович — Фарғона вилояти Фавкулодда вазиятлар бошқармаси авария-кутурув гуруҳи кутарувчиси

Ишчанова Гаҳвар Раҳимовна — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Марказий Ҳарбий госпиталининг бўлими бошлиғи

Ким Эльза Николаевна — Фарғона Ҳарбий-техника йўналишидаги академик лицейининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Мамиров Хайрулла Эшкобилевич — Қашқадарё вилояти боғхона бошқармасининг контрабанда ва наркотрафикка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

Момиджанов Шарифжон Фузайлович — Ўзбекистон Мудофаасига қўмақлашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши раисининг спорт ишлари бўйича ўринбосари

Норкулов Ориф Уралович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция инструктори

Саидов Дмитрий Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий Ҳарбий клиник госпиталининг бўлим бошлиғи

Сафаров Хусниддин Лутфуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ахборот технологиялари марказининг информатика цикли бошлиғи

Файзаев Фахриддин Нуралевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳ командири

Хамдамов Мурод Махмудович — Наманган вилояти боғхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлимининг муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Шакиров Радик Минзахитович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг катта мутахассиси

Шамуратово Лага Эркиновна — Тошкент шаҳар прокуратурининг қўнғинчилик тарғиботи бўйича катта ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 10 январь.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганнинг муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Жазир халқи ва шахсан ўз номидан дўстона табрикларим ва самимий тилқаларимни йўлладан беҳад мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб қоламан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини янада кенгайтириш ва ривожлантириш йўлида бутун кучимни сарфлашга тайёргимизни таъкидлаб ўтмоқчиман. Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эътиромимни қабул қилгайсиз.

Абдулазиз БУТЕФЛИКА, Жазир Халқ Демократик Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Давлатларимиз ўртасида қарор топган дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатлари халқларимиз фаровонлиги йўлидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилишига ишонч билдираман. Мухтарам Ислам Абдуганиевич, Сизга мустаҳкам солиқ ва масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат, омонлик ва раванқ тилайман. Эҳтиром ила,

Роберт КОЧАРЯН, Арманистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганнинг муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини самимий муборақбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизга масъулиятли вазифаларни ҳал этишда каттадан-катта муваффақиятлар тилайман ҳамда Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик бундан буён ҳам ривожланади, мустаҳкамлаб бераверади, деб ишонч билдираман. Янги йилда эзгу тилқалар билан, Самимийат ила,

Шимон ПЕРЕС, Исроил Давлати Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганнинг муносабати билан Сизга самимий қутловларимни ҳамда Ўзбекистон Республикасида тинчлик ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш борасидаги сай-ҳаракатларингизга юксак самаралар тилаб билдирган ҳурмат-эҳтиромимни изхор этишга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистоннинг аҳойиб эсдалик совғалари — уймакорлик тўплами ва миллий шойи учун Сиз, Жаноби Олийларига шахсан миннатдорлик билдириш шарафига мўъассарман. Иш кабинетимни уймакорлик тўплами билан безатиб қўйдим ва ҳар гал унга кўзим тушганда олам-олам завқ оламан, Сиз, Жаноби Олийларининг самимий эътибори учун ташаккур изхор этмаман.

Имкониятдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларининг Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстона муносабатларини мустаҳкамлаш учун чуқурлаштириш боришдаги сай-ҳаракатларингиз учун яна бир бор чуқур миннатдорлигимни билдиришмоқчиман.

Жаноби Олийлари, Сизга чин қалбдан сўхат-саломатлик, Ўзбекистон Республикасига эса Сизнинг раҳбарлигингизда янада раванқ тилаб қоламан.

Кэко НАКАЯМА, Япония Бош вазири маслаҳатчиси, парламент Юқори палатаси депутати.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Ўзбекистонда тинчлик, барқарорлик ва фаровонликини мустаҳкамлашдаги сай-ҳаракатларингиз учун Сизга бўлган гоё юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни чин қалбдан муборақбод этишга ижозат бергайсиз.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстона муносабатларни чуқурлаштириш йўлидаги фидокорона сай-ҳаракатларингиз учун чуқур миннатдорлигимни изхор этмаман.

Жаноби Олийлари, Сизга чин дилдан сўхат-саломатлик, каттадан-катта муваффақиятлар ва омонлик тилайман.

Цукаса ИТО, «Фукуока-Ўзбекистон» Иқтисодий ва маданий ҳамкорлик уюшмаси президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганнинг муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий қутловларимни изхор этишга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда тобора раванқ топиши ва фаровонликка эришиши, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар жадал ривожланиши ва чуқурлашиб боришига қатъий ишонч билдиришдек юксак шарафга мўъассарман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сўхат-саломатлик ва давлат ишларидаги фаолиятингизда каттадан-катта муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса янада раванқ тилайман.

Самимий эҳтиром ила, Тацуэн ФУДЖИНО, «Фукуока-Ўзбекистон» Дўстлик ва ҳамкорлик уюшмаси президенти.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Тошкентда Омбудсманнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва маъқур ҳуқуқларга риоя қилинишини таъминлаш борасида давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигига доир муҳим вазифаларга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан Германиянинг Конрад Аденауэр жамағармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳокимлик ва ташкилотлар, уюшма ва бошқармалар, суд ва прокуратура органлари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С. Рашидова, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ф. Абдураҳимов, Конрад Аденауэр жамағармасининг Марказий Осиё мам

Азиз ватандошлар!

Барчангизни

14 ЯНВАРЬ —

**Ватан ҳимоячилари куни билан
чин қалбдан табриклаймиз.**



Юртимиз сарҳадлари дахлсизлигини, фуқароларимиз осойишталигини кўз қорачиғидек асраётган юрт посбонларини касб байрамлари билан қутлар эканмиз, уларга сихат-саломатлик, толмас куч-қувват, оилавий бахт тилаймиз. Уларнинг бедор ва сергак ўтказган ҳар лаҳзаси юрт тинчлигига хизмат қилаверсин.

Фурсатдан фойдаланиб, сизга ўзимизнинг энг қулай ва даромадли «Саховат» (йиллик даромади 24 фоиз), «Пантана» (йиллик даромади 25 фоиз) омонат турларини таклиф этамиз.

Ўзининг 85 йиллигини нишонлаётган «Ўзсаноатқурилишбанк» сизнинг фаровонлигингизга хизмат қилаётганидан мамнун!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»НИНГ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ.**



«Toshkent shahar telefon tarmog'i»

филиали абонентлари диққатига!

Хурматли абонентлар!

Тошкент шаҳар телефон тармоғини модернизациялаш ва ривожлантириш режасига биноан **15.01.08 дан 16.01.08 га ўтар кечаси 1330000 — 1334999** рақамлари 2330000 — 2334999 га алмаштирилади.
Шунингдек, **16.01.08 дан 17.01.08 га ўтар кечаси 1335000 — 1339999** рақамлари 2335000 — 2339999 га алмаштирилади.



Маълумот учун телефонлар: 233-17-17, 23369-99.


Маъмурият

«Municipal Aukcion Markazi»

ташкilotи 2008 йил мобайнида ҳар ҳафтанинг сешанба куни соат 16.00 да бўш турган ва қурилиши тугалланмаган куйидаги бинолар сотилгунга қадар ўтказиладиган танлов савдоларига таклиф этади.



Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Сувчи даҳаси, Чо Мен Хи кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.
Бошланғич баҳоси — 894 275, 28 АҚШ долл.




Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бинокор кўрғонидеда жойлашган қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси.
Бошланғич баҳоси — 126 843, 89 АҚШ долл.



Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Янгиобод даҳаси, Шохсанам кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.
Бошланғич баҳоси — 632 401, 07 АҚШ долл.




Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Галабанинг 40 йиллиги мавзеси, 1-даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.
Бошланғич баҳоси — 432 220, 00 АҚШ долл.




Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник-16 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган савдо маркази биноси.
Бошланғич баҳоси — 209 964, 80 АҚШ долл.



Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник-17 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.
Бошланғич баҳоси — 772 039, 67 АҚШ долл.



Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 29-уй манзилида жойлашган бўш турган маъмурий бино.
Бошланғич баҳоси — 1 976 253, 34 АҚШ долл.



Танлов шартлари:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- қисқа муддат, кўпи билан 1,5 йил ичида қурилиш меъёрий қондалари (ҚМК) талабларига мувофиқ қурилишини тугатиш;
- қурилиш ва бошқалар учун зарурий инвестицияни киритиш;
- объект негизда ташкил қилинадиган фаолият турини бизнес-режа асосида амалга ошириш;
- янги иш жойларини ташкил қилиш;
- объект ҳудуди ва атрофини ободонлаштириш.

Танлов савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ўтказиладиган санадан камида уч кун аввал ўз сармоявий таклифлари конвертга муҳрланган ҳолда ва куйидаги ҳужжатлар тўплами билан бирга тақдим қилишлари шарт:

1. Танлов қатнашчисининг талабномаси.
 2. Таъсис ҳужжатлари нусхалари (хорижий сармоядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари).
 3. Сармоядор вакилига амалдаги қончилиқда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома.
 4. Сармоядорнинг тўлов салоҳиятига эга эканлигини тасдиқловчи, хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумотномаси.
 5. Объектни сотиб олиш баҳоси (бошланғич баҳосидан кам бўлмаган миқдорда), шакллантирилган бизнес йўналишига киритиладиган сармоя миқдори ва муддати кўрсатилган бизнес-режа (конвертга солинган ҳолда тақдим этилади).
 6. Савдода қатнашиш учун савдо объекти кўрсатилган ҳолда закатал пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжатининг нусхаси.
- Жисмоний шахслардан — паспорт нусхалари.

Сотилиши белгиланган объектларнинг бошланғич баҳоси эркин муомаладаги валютада белгиланган бўлиб, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мазкур объектлар миллий валютада сотилиши мумкин, бунда тўловлар тўлов кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган сармоядорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини миллий валютада «Municipal Aukcion Markazi»нинг АИКБ «Ипак йўли», МФО 00444, СТИР 300053338, 2020800010455055002 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Эркин муомаладаги валютада (АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бош бошқармаси ҳисоб-касса марказидаги МФО 00014, 2150884000600289002 ҳисоб рақамига ўтказилади. SWIFT: CBUZUZ22.

«Municipal aukcion markazi» масъулияти чекланган жамияти томонидан 2007 йил 4 декабрдан 25 декабргача ўтказилган очик танлов савдоларининг натижалари

№	Объект номи	Савдо куни	Бошланғич баҳоси (АҚШ доллари)	Сотилиш баҳоси
1	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Феруза даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси	18.12.2007 й.	632 401,07	230 000 АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритиш шarti билан 635 500 АҚШ долларига сотилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй.
Телефонлар: 144-88-04, 144-88-03.

Гувоҳнома: № 001568 - 09.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2008 йил 5 февраль куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 19 июлдаги 1-357/2007-сонли ижро варақасига асосан ҳатланган, «Хоразм автйўл» магистрал йўллардан фойдаланиш бошқармасига етказилган зарарни қоплаш учун мувоодара қилинган куйидаги мулклар куйилади:

1. Урганч шаҳри, И. Досова кўчаси, 18-уйда жойлашган, умумий ер майдони — 1532,52 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони — 510,84 кв.м.ни ташкил қилган, Динара Полвановага тегишли бўлган 3 қаватдан иборат «Бахт» меҳмонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 45 030 293 сўм.**
2. Урганч шаҳри, И. Досова кўчаси, 19-«А» уйда жойлашган, «Йўлқурилишсервис» МЧЖнинг 2 қаватдан иборат маъмурий биноси ва ёнидаги меҳмонхона биноси. **Бошланғич баҳоси — 45 937 048 сўм.**
3. Урганч тумани, Чолиш кўрғонидеда жойлашган, қурилиш ости ер майдони — 1353,27 кв.м.ни ташкил қилган, «Чолиш кемпинг» меҳмонхона биноси ва иншоотлари мажмуаси. **Бошланғич баҳоси — 44 932 352 сўм.**
4. Урганч шаҳри, Обводная (Бинокор) кўчаси, 1-йўлак, 8-уйда жойлашган, Ш.В.Полвановага тегишли бўлган, умумий ер майдони — 3005,0 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони — 497,0 кв.м.ни ташкил қилган, 20 кишилик меҳмонхона типидеда қурилган, 2 қаватли тураржой биноси. **Бошланғич баҳоси — 659 701 905 сўм.**
5. Хонка туманида жойлашган, умумий ер майдони — 13483,56 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони — 3175,92 кв.м.ни ташкил қилган, консерва заводи ва ёрдамчи хўжаликлари мол-мулклари мажмуаси. **Бошланғич баҳоси — 71 975 300 сўм.**
6. Урганч-Хива йўлининг 1-километрида жойлашган, 2 қаватли, 3 корпусдан иборат меҳмонхона биноси ва ёрдамчи хўжаликлари мажмуаси. **Бошланғич баҳоси — 407 202 682 сўм.**

2008 йил 24 январь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 4 мартдаги 22.06-06-37-сонли ва 2007 йил 8 январьдаги 22.06.06-5802-сонли ижро варақаларига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ҳатланган, «Хоразм автйўл» МИФБга қарашли, Урганч шаҳри, Шовот канали бўйида жойлашган, 1 қаватдан иборат, қурилиш ости ер майдони 570,92 кв.м., «Истиклол» кафетерийси куйилади.
Бошланғич баҳоси — 114 784 045 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юрдик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини РКМБнинг Хоразм вилояти филиали (савдо ташкилотчиси)нинг куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: АТИБ «Ипотека банк»и «Тинчлик» филиали, МФО 00580 х/р 20210000700571452056, ИНН 200933850. Шу мазмундаги эълон «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 2008 йил 5 январьдаги сонидеда чоп этилган.

Аукцион савдолари Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, И.Бобононов кўчаси, 23-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиали биносининг савдолар залида бўлиб ўтади.

Кўшимча маълумотларни олиш учун телефон: 8-362-226-32-63. Факс: 226-43-64, www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ногиронлар учун реабилитация техник воситалари (ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари, хасса ва қўлтиқ таёқлар) хариди бўйича ушбу воситаларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни тендер танловига таклиф қилади.

Танловда иштирок этиш истаги бўлган корхоналар вазириликнинг тендер савдоларини ўтказиш бўйича танлов комиссиясига куйидаги маълумотларни тақдим этишлари лозим:

- таклиф қилинаётган реабилитация техник воситаларининг мувофиқлик сертификати;
- махсулотларнинг гигиеник сертификати;
- ишлаб чиқариш қуввати ва корхона моддий-техника базаси ҳақидаги маълумот;
- реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқариш техник шарт-шароитлари бўйича маълумот;
- махсулот турлари ва нархи;
- корхонанинг иш тажрибалари ва бозордаги фаолияти тўғрисида тааллуқли тармоқнинг муносабатлари;
- бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарздорлигининг мавжуд эмаслиги.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Тақдим қилинадиган барча ҳужжатлар икки нусхада (1 та асл ва 1 та нусха), ёпиқ ҳолда, муҳрланган папкаларда қабул қилинади.

Бир ой муддат тугаганидан сўнг тендер танловида иштирок этиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

Тендер танловига талаб қилинадиган ҳужжатларни тўлиқ тақдим қилган корхонанинг реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқариш имкониятлари ва шароитлари тендер комиссияси аъзолари томонидан жойига бориб ўрганиб чиқилади.

Реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар талаб қилинган ҳужжатларни тендер комиссиясига тўлиқ тақдим қилганларидан сўнг, тендерда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугаганидан сўнг тендер ўтказиш куни белгиланади.

Кўшимча маълумотлар олиш учун вазириликнинг куйидаги: 139-88-44, 139-88-33 телефонлари орқали мурожаат қилиш мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, А. Авлоний кўчаси, 20-«А» уй, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилиги.

«SARBON-UKA-HISOBOT-AUDIT» аудиторлик хусусий корхонаси тугатилади. Мижозлардан даъво талабномалари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 2-уй. Телефон: 116-18-59.

